Юксак мукофот соҳиблари

ОРЗУНИНГ УЛҒАЙИШИ

Йигитлик бурчини ИИВ Ички қўшинларга қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида ўтаган, Улуғбек болалик орзусини рўёбга чиқариш мақсадида ҳужжатларини ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг Сурхондарё вилояти бўлимига топширди ва илк фаолиятини Термиз тармоқ ИИБ патруль-пост хизматида бошлади.



Унга устози – ҳозирда истеъфодаги катта сержант Тожимурод Жўраев хизматнинг барча қийинчилик ва машаққатларини сабот билан енгиб ўтиш, ўз устида тинимсиз изланиш, шунингдек, фуқароларга самимий муносабатда бўлишни ўргатди.

Йигирма йилдан буён шарафли соҳада хизмат қилиб келаётган кичик сержант Улуғбек Маматқулов айни вақтда ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти йўловчилар поездларини кузатиш батальони сафдор ходими лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

...Жазирама ёз кунларидан бири эди. Термиз – Сариосиё йўналиши бўйича қатновчи поездга чиқаётган деновлик Отабек Зиёдов (исм-шарифи ўзгартирилди)нинг хатти-ҳаракатлари У.Маматқуловда шубҳа уйғотди. Ҳужжат сўралганида у ходимнинг қонуний талабини бажаришдан бош тортди. Қарангки, шахсини аниқлаш мақсадида навбатчилик қисмига олиб келинган ушбу фуқаронинг ёнидан героин гиёҳвандлик воситаси чиқди. Кейинчалик маълум бўлишича, Деновдан Термизга заҳри қотилни сотиш ниятида келган бу оғуфуруш мижози билан келиша олмай, яна ортга қайтаётган экан...

Бугунги кунда катта малака ва тажрибага эга бўлган Улуғбек Маматқуловни капитан Акбар Мавлонов ҳамда сафдорлар Рустам Умиров ва Маҳмуджон Гуломқодиров устоз дея қадрлашади.

Йўловчиларнинг эсон-омон манзилларига етиб олиши учун ҳушёрлик билан хизмат қилаётган кичик сержант Улуғбек Маматқулов истиқлолимизнинг 31 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Асосий вазифам йўловчи поездларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашдир, – дейди кичик сержант У. Маматқулов. – Бу борада қилган камтарона меҳнатларим юксак мукофотга лойиқ топилганидан бошим кўкка етди. Бунинг учун Президентимиз ҳамда вазирлик раҳбариятига чексиз миннатдорлик билдираман. Бу ишончни оқлаш учун астойдил хизмат қиламан.

Меҳрибон ва ғамхўр оила бошлиғи бўлган ҳикоямиз қаҳрамони турмуш ўртоғи билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Ўғли ҳам ота изидан бориб, келажакда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида муносиб хизмат қиладиган ички ишлар органи ходими бўлиш ниятида.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.

25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни

«ОРТИМДАГИ ТОҒИМ ЭДИЛАР»

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини толеи баланд, маърифатли ҳамда саодатли инсон бўлишини истайди. Муқаддас китобларда айтилганидек, ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга ўргатадиган ахлоқ-одобидир. Сарвар ҳам отаси – камтарин, одоби ва ахлоқи билан кўпчиликка намуна бўла олган, Ички ишлар ҳамда Молия вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган Ёрқин Турсуновни ўзининг идеали деб билди. Отасининг йўлини тутиб кам бўлмади.

Подполковник Ёрқин Турсунов молия соҳасининг фидойиларидан бири эди. Молия вазирлиги тизимларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, ўз касбининг устаси бўлган бу инсон 2012 йилда Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғи лавозимига тайинланди. Бу масъул вазифада тўрт йилгина фаолият юритган бўлса-да, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариб, қисқа давр ичида салмоқли ишларни амалга оширди. 2016 йилда Молия вазирлигига қайтиб, 2019 йилда Молия вазири ўринбосари лавозимига тайинланди. Аммо 2020 йилда пандемия туфайли 55 ёшида оламдан кўз юмди.

Капитан Сарвар Эргашевнинг айнан ички ишлар органлари соҳасини танлашида отасининг алоҳида ўрни бор. Отаси уйга ички ишлар органлари либосида кириб келганида, ёш қалбида ўзгача бир ғурур пайдо бўларди. Ич-ичидан «Молия институтини тамомлаган бўлсам-да, дадамга ўхшаб осойишталик посбони либосини кийиб, шу соҳада ишласам бўлармикан», деган хаёл ўтарди.



Ҳозирда у Тошкент шаҳар ИИББ Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси молиявий таъминот хизмати бошлиғи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

– Отамнинг ёнида энди елкадош бўлиб туришим керак бўлганида, у кишидан айрилдим, – дейди капитан С. Эргашев. – Ортимдаги тоғим йўқ бўлиб қолгандек, гўё. Уйга борганимда фарзандларим қучоқлаб: «Дада, яхши келдингизми?», деганида, ёшлигим, отам ишдан келганида укам ва синглим билан у кишини кутиб олганларимиз ёдимга тушади. Оддий бир заҳматкаш чўпоннинг фарзанди, Навоий вилоятининг чекка қишлоғидан келиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан шу даражага эришган, энг қуйи бўғинда оддий хизматчи сифатида ишлаб, ҳам молияда ва ҳам ички ишлар тизимида вазир ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган отам мен учун ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси бўлиб гавдаланади.



Ҳа, Сарвар бугун ўзининг хизмат фаолияти давомида отаси, устозларию ҳамкасбларининг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига амал қилиб, олдига қўйган мақсадлари рўёби йўлида хизмат қилмоқда. Падари бузрукворига муносиб фарзанд бўлиш учун тер тўкмоқда.

Яхши инсонларни хотирлаш катта савоб. Истеъфодаги подполковник Ёрқин Турсунов турмуш ўртоғи Дилбар опа билан уч нафар фарзандни вояга етказиб, элу юртга қўшди. Сарвар ички ишлар органлари ходими сифатида ота изидан кетяпти. Акбар Молия вазирлиги ходими, қизи Маҳбуба эса молия-иқтисод йўналишида Германияда таҳсил олмоқда. Ё. Турсунов бугун жисман орамизда бўлмаса-да, фарзандлари ва шогирдлари унинг йўлини давом эттирмоқда.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.

Аёл ва жамият

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎМАКЧИМИЗ

– дейди Қумқўрғон тумани ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, лейтенант Манзура Жўраева

Бир нафар фарзанди бор ёлғиз она М.Абдуламетова пробация ҳисобида туради. Пробация хизмати кўмагида «Пахтаобод паррандачилик хазинаси» масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлаштирилгач, у ўзини анча тиклаб олди. Ҳалол меҳнат қилиб, рўзғорини тебратмоқда. Пробация ҳисобида турган яна 15 нафар хотин-қизга ҳам шундай амалий ёрдам берилди.



– Хонадонма-хонадон юриб муаммоси бор хотин-қизларнинг яшаш шароитларини ўрганиб чиқяпмиз, – дейди лейтенант Манзура Жўраева. – Бирйўла улардан келиб тушган мурожаатларни ҳам қонуний ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Туманнинг «Дўстлик» маҳалласида жойлашган реабилитация марказида тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга психологик, тиббий ёрдам кўрсатилиб, низоли ҳолатларга чек қўйилмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда хотин-қизларимиз ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билиши муҳим. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада «Сиз қонун ҳимоясидасиз», «Зўравонликка йўл йўқ!» мавзуларида профилактик тадбирлар ўтказиб келяпмиз. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 470 дан ортиқ тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга ҳимоя ордерлари берилиши ҳам кўплаб оилаларда тинчлик ҳукмронлик қилишига сабаб бўлаётир.

Туман ҳудудида 541 нафар профилактик ҳисобга олинган хотин-қиз бўлиб, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни қайта ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги учун уларнинг ҳар бири билан якка тартибда профилактик суҳбат ҳам олиб борилмоқдаки, бу ўз натижасини бермоқда.

Ҳудуддаги 3-секторда 12 та маҳалла жойлашган бўлиб, бу маҳаллалардаги ишсиз хотин-қизларга ҳам яқиндан кўмак берилмоқда. Ишсиз 27 нафар аёл касб-ҳунарга ўқитилди. 31 нафарига эса «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тикув машиналари олиб берилди. Ҳозирда ушбу ёрдам туфайли ҳунари ортидан даромад топаётганлар анчагина.

– Низоли оилаларни яраштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин жамоатчилик вакилларини ҳам жалб этган ҳолда, бунга эришяпмиз. Қолаверса, берилаётган ҳимоя ордерлари бу борада анча қўл келмоқда. Бироқ, ачинарлиси, ҳимоя ордерлари кўни-қўшнилар ўртасидаги жанжалларга барҳам бериш учун ҳам берилмоқда. Қайсидир маънода қўшничилик муносабатларининг совуқлашиши, жанжалли ҳолатларнинг кўпайиши меҳр-оқибат каби инсоний тушунчаларнинг саёзлашиб бораётганини билдиради. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда профилактика инспекторлари, сектор вакиллари ва фаол кексаларнинг ҳам ёрдамига таянаётганимиз фойда бермоқда, – дейди лейтенант Манзура Жўраева.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

Инсон қадри учун

ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ

«Қарши – Таллимаржон» автойўлидан «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинига киргунча масофадаги йўл қишда лой, ёзда чанг-тупроқ бўларди. Шу маҳаллада яшовчи фуқаро Рисолат Қурбонова мазкур йўлни таъмирлаш юзасидан учинчи сектор мутасаддиларига мурожаат қилди. Унинг мурожаати эътиборга олиниб, қишлоқ йўлига шағал тўкилиб, текисланди. Бунинг учун маҳалла аҳли сектор раҳбарларидан миннатдор бўлди.



Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Нишон тумани ИИБ Ташкилий бўлинмаси мурожаатлар билан ишлаш гуруҳига 903 та мурожаат келиб тушди. Эътиборлиси, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади. Яъни, уларнинг 272 таси ўз ечимини топди, 578 та мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Вақт ва маблағ талаб этадиган 23 та мурожаат эса назоратга олиниб, ижрога қаратилди.

Мурожаатларнинг аксар қисмини фуқаролар мулкини ўғирлаш, фирибгарлик билан қўлга киритиш каби ҳолатлар ўз ичига олган. Бундан ташқари, субсидия асосида тикув машинаси, мини-печ, инкубатор олиб тадбиркорлик фаолиятини бошлашда кўмак берилиши сўралган мурожаатлар ҳам етарлича. Қолаверса, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини тиклаш учун ёрдам сўралган мурожаатлар ҳам бор. Масалан, тумандаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ж.Мусаева ўз мурожаатида кўзида жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун моддий ёрдам сўраган эди. Унинг мурожаати кўриб чиқилиб, маълум миқдорда моддий ёрдам ажратилди.



Сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Шуҳрат Искандаров томонидан ўтказилган сайёр қабулларда ҳудуддаги 9 та маҳаллада яшовчи фуқароларнинг мурожаатларининг 65 фоизи ижобий ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий тушунтириш берилган бўлса, айрим мурожаатлар ижрога қаратилди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, тақрорий ёки қонуний муддатларни кутмасдан, қайта-қайта мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу тоифадаги мурожаат эгаларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилади. Айрим мурожаатлар эса тегишлилиги бўйича ваколатли органларга юборилади. Хуллас, фуқаролар билдирган ҳар бир мурожаат эътиборда, диққатимиз марказида. Негаки, мурожаат ортида қайсидир инсоннинг тақдири, қайсидир юрт-дошимизнинг эртанги куни ётибди.

Элнур ТУРСУНОВ,
Нишон тумани ИИБ ТБ мурожаатлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, капитан.
Қашқадарё вилояти.

Мулоҳаза

«MAGIC CITY» – «МЎЪЖИЗАЛАР ШАҲАРЧАСИ»МИ?!

Сўнгги йилларда она тилимизни ҳурмат қилиш, уни ривожлантириш, давлат идораларида айнан давлат тилида иш юритиш билан боғлиқ кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.



Рассом Ҳусан Содиқов.

Хусусан, янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида», «Реклама тўғрисида»ги қонунлар, «Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор ҳамда «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон каби меъёрий ҳужжатларда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Лекин ён-атрофимизга қараб, қонун ва қарорларда кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаётгандек, ҳаммаси ўлда-жўлда бўлиб қолаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Масалан, «Реклама тўғрисида»ги янги қонун жорий йил сентябрь ойининг бошида кучга кирди. Янги таҳрирдаги қонунга кўра, реклама давлат тилида берилиши шарт. Вазиятга кўра, бошқа тилларга таржимаси келтирилиши айтилган бўлса-да, лекин унинг шрифти давлат тилидаги асосий матндан кичикроқ бўлиши, мазмунини тўғри ифодалаши ҳамда умумий реклама майдонининг кўпи билан 40 фоизини эгаллаши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Сизнингча, бу талаб бажариляптими? Афсуски, йўқ. Узоққа бориб юрмайлик, пойтахт кўчаларига бир разм солинг. Кўчаларда нигоҳимиз тушган ёзувлар, эълонлар борки, уларда давлат тили анқонинг уруғидек камнамо. Эълонлар матни ва пешлавҳалар исталган кўринишда, исталган тилда ёзилган. Аксарияти рус ва инглиз тилида. Улардаги имло хатоларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Бу талаб «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасида ҳам келтириб ўтилган. «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Баъзан кўчаларни айланиб юрганда, худдики чет элда юргандек тасаввур пайдо бўлади. Кишини ўйга толдирадиган жиҳати, бунга барча беэътибор, ҳамма лоқайд. Давлат тилининг беҳурмат қилинишига бутун жамият кўникиб бўлгандек.

Масалан, кўпчилик учун оддий ҳолатдек кўринган маҳсулотлар қадоғидаги ёзувларни олиб қарайлик. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 21-моддасида «Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади», дея кўрсатиб ўтилган. Лекин мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулотларда бу қоида талаблари бузилмоқда. Кўплаб маҳсулотлар қадоғида давлат тилида ёзилган жойини излаб кўзингиз толади. Масалан, юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган аксарият қандалот маҳсулотларининг қадоғида жим-жимадор ўзга тиллардаги ёзувлар орасида давлат тилида ёзилган ёзувларни кўрмайсиз ҳам. Баъзиларининг энг пастига, кичкина ҳарфларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув тиркаб қўйилган, холос. Маҳсулот номи катта ҳарфлар билан бошқа тилда ёзилган. Борларида ҳам фақат корхона номи ва манзили битилган бўлади.





Аввало давлат тилини, она тилимизни ўзимиз ҳурмат қилишни ўрганишимиз керак. Негаки, бошқа миллат вакили келиб, унинг мавқеини оширмайди, унга бунинг кераги ҳам йўқ. Давлат тилининг беҳурмат қилинишига биринчи навбатда ўзимиз сабабчи деб ўйлайман. Катта-кичик мажлислар, йиғинларда битта ўзга миллат вакили ҳурмати учун унинг тилида ваъзхонлик қиламиз-у, ўзимизнинг тилимизни ерга урамиз. Сизга таниш яна бир ҳолат, масалан, сиз бир ташкилотга иш билан бордингиз. Зарур хонага кирганингизда, у ерда уч нафар бошқа миллат вакили ўтирган бўлса, сиз уларга қандай мурожаат қиласиз? Турган гапки, «Здравствуйте» дейсиз. Рус тилини унчалик яхши билмасангиз-да, шу тилда гапириб, келишдан мақсадингизни, муддаонгизни тушунтиришга уринасиз. Кўча-кўйда ҳам шу аҳвол. Бирор манзилни тополмай қолганингизда, биринчи учраган йўловчи ўзбек бўлмаса, унга ҳам билсак-билмасак-да, унинг тилида мурожаат қилишга одатланганмиз. Энг эътиборлиси, бундай ҳолатда бошқа миллат вакиллари бутунлай айрича йўл тутишади. Учта ўзбек ўтирган хонага кириб келган рус миллатига мансуб киши «Ассалому алайкум» деб эмас, ўз она тилини ҳурматлаб «Здравствуйте» дея мурожаат қилади. Ўз ташрифидан мақсадни ҳам ўз она тилида давом эттиради.

Тошкент шаҳрида собиқ Миллий боғ ўрнида янги ва замонавий Magic City очилди. Бизни ўйлантиргани, нега энди Миллий боғ ўрнига қурилган шундай ажойиб кўнгилочар жойни ажнабий ном билан аташимиз керак. Ахир, «Мўъжизалар шаҳарчаси» деб узукка кўз қўйгудек номласак бўлади-ку.

Шу ерда ўқувчиларимизга бир савол билан мурожаат қилсак. Сиз ўзингизни яхши кўрасизми? Уйингизни, машинангизни-чи? Сизга кимдир беҳурматлик қилса, жазавага тушасиз, ўша «беодоб»нинг танобини тортиб қўясизми? Бирор хавф пайдо бўлса, ўзингизни, мол-мулкингизни ҳимоя қиласизми? Нега энди ўз она тилимиз, давлат тилимизни ҳурмат қилмаслигимиз, уни эъзозламаслигимиз керак? Ахир у ҳам бизнинг миллий бойлигимиз, ўзбеклигимизни билдириб турувчи рамзимиз эмасми?

Қирғиз халқининг буюк адиби Чингиз Айтматов тил ҳақида шундай бир гап айтганди: «Миллатнинг умрбоқийлиги унинг тили биландир». Шундай экан, миллатимиз яшаши учун тилимиз ҳам ривож топиши, соф ҳолда сақланиши, янада сайқалланиши лозим. Бунинг учун эса шу заминда яшаётган юртдошимиз, ҳар бир миллат шу давлатнинг давлат тилини ҳурмат қилиши, эъзозлаши шарт.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.

Хизмат жойи – Қоровул қўшинлари

КАСБИДАН ОБРЎ ТОПГАН

Илк фаолиятини ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Қашқадарё вилоятида жойлашган 7533-ҳарбий қисмда оператор-мутахассис лавозимида бошлаган кичик сержант Акмал Пардаев сержант Байрамали Жўраевдан соҳага оид билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштирди. Шунингдек, ўз устида тинимсиз изланиб, тажрибасини бойитди. Шу билан бирга, Қарши шаҳрида жойлашган Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, малакасини янада оширди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятидаги 7535-ҳарбий қисм назоратчилар взводи гуруҳ командири лавозимида хизмат қиляпти.

– Ҳарбий хизматчиларни она Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашда кичик сержант Акмал Пардаевнинг ҳам муносиб ўрни бор, – дейди Назоратчилар взводи командири, капитан Дадахон Болтаев. – У шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда жазони ижро этиш муассасасида ишончли ҳимояни ташкил этишга кўмаклашиб келмоқда.

Лавҳамиз қаҳрамони тажрибали мураббийлар қаторидан жой олган бўлиб, сержант Акмал Эргашев, кичик сержантлар Ботир Турсунов ва Қуронбой Собировлар уни устоз дея эъзозлашади.

Шарафли касбидан обрў топган кичик сержант Акмал Пардаев хизматдан бўш пайтларида спорт билан шуғулланади, бадиий асарлар ва соҳага оид адабиётларни мутолаа қилади. Оиласи билан табиатнинг сўлим гўшаларида маданий ҳордиқ чиқаради, фарзандларини музей ва театрларга олиб боради.

Турмуш ўртоғи Лобар Олмуродова Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактабда эртанги кунимиз эгаларига инглиз тилидан сабоқ бериб келяпти. Иккови ҳозирда Даврбек ва Далербек исмли ўғилларини яхши орзу-ниятлар билан тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Ўз мухбиримиз.






Ўқишга тавсия қиламан

ТАРБИЯВИЙ ТАРИХИЙ АСАР

«Чўлпон» тахаллуси билан яратган ажойиб асарлари адабиётимиз хазинасини бойитган Абдулҳамид Сулаймон ўғли босқинчилар зулми остида эзилаётган халқини озод ва бахтли кўриш учун одамларни маърифат ва илм-фандан баҳраманд қилиш орзусини ижодининг бош йўналиши қилиб олади. Айниқса, адибнинг «Кеча ва кундуз» романи ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, у илк роман-дилогия ҳисобланади.

Роман чор Россиясининг юртимизда олиб борган сиёсати, ўша даврда халқнинг маънавий дунёсига кўзгу тутган асарлардан биридир. Ушбу китобни ўқиб чиқиш давомида ўзимни худди ўша даврга тушиб қолгандек, асар қаҳрамонларига ҳамроҳдек ҳис қилдим. Бу давр ўзбек халқининг икки томонлама зулм остида эзилган даври бўлгани, маҳаллий бойлар халқини иқтисодий, ижтимоий, маданий қолоқликдан халос этиш тўғрисида эмас, балки ўз манфаатлари, моддий фаровонликлари ҳақидагина жон куйдирганини кўриш мумкин.

«Кеча ва кундуз» романида жуда кўплаб эсда қоларли характерлар яратилган бўлса-да, асосий образлар – Зеби, Акбарали, Мирёқубдир. Чўлпон асарнинг бошдан охиригача Зеби характеридаги самимиятни, очиқликни энг муҳим белги сифатида кўрсатган. У ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган. Зебида ўзбек аёлларига хос фазилатлар жамланган. У поклик, гўзаллик ва навқиронлик тимсоли сифатида гавдалантирилган.



Романдаги Мирёқуб – анча мураккаб образ. У аслида саводсиз, газеталардан бехабар, дунё ишларига кўп ҳам қизиқмайдиган, рус тилини ҳам тузук билмайдиган, лекин ишнинг кўзини биладиган ўта тадбиркор одам. Шунинг учун «Эпақа» деган лақаб орттирган. У аралашган иш битмай қолмайди. Пул топиш йўлларини жуда яхши билади. Мирёқуб ҳаётнинг кўпгина турфа хил воқеаларига рўпара келади ва ҳар гал уларнинг мағзини чақишга интилади. Ҳаёт унинг қаршисига бир-биридан мураккаб жумбоқларни кўндаланг қўяди.

Бир сўз билан айтганда, роман ҳаётийлиги ва самимийлиги, мазмунининг теранлиги билан, қаҳрамонлар характерининг бутунлиги ва тўкислиги боис умрбоқий асарлар сирасига мансубдир. Мен бир ўқувчи сифатида сизларга ушбу китобни ўқиб чиқишни тавсия қиламан. Чунки бу роман тарихий ҳақиқатни гавдалантириши билан бирга, ҳаётнинг пасту баланд йўлларида қандай йўл тутиш лозимлигини ўргатадиган тарбиявий аҳамиятга эга асар бўлиб, мутолаа учун сарфлаган вақтингизга ачинмайсиз.

Миршоҳид БАХТИЁРОВ,
Кўкдала тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи, капитан.